

Жон Флисон хашаматли уй айвонида олий сифатли шотланд вискидан хўплаб ўтирарди. Хаво ажойиб эди. Флисон хаётда хамма нарсага бирданига эришиш кийин эканлигини тушунарди. Хотин масаласида унинг омади хам юришган, хам юришмаган эди. Кора кирк беш ёшлардаги, тўладан келган, шаллаки бир аёл эди, аммо унинг отасидан колган миллионлаб долларлари унинг бу камчиликларини ёпиб турарди. Жондаги хамма нарса, тўгрироги, у фойдаланиши мумкин бўлган хамма нарса Корага тегишли эди. Канчалик аччик бўлмасин, Флисоннинг ўзи хам буни тан олишга мажбур эди. Унинг истагини бажо келтиришга шай бир неча хизматкорлари бўлган бу уйни асрга тенгдош эман дарахтлари куршаб олганди. Сохилда оппок яхта сузишга тайёр холда чайкалиб турарди. Гаражда ойнадай ялтировчи тўртта кимматбахо машина бор эди. Касрмонанд уй ёнидаги улкан богни эса Коранинг уйига келадиган меҳмонлар «дунёнинг саккизинчи мўъжизаси» деб аташарди.

-Жон!..-Унинг хаёлларини хотинининг йўгон, кулокни коматга келтирувчи овози бузди. Кора ундан бир неча кадам нарида ўтирганча сурат чизаётганди.-Жон!..

-Ха, азизам,-шу захоти жавоб берди Флисон овозига майинлик ва меҳрибонлик охангини беришга тиришиб.-Бирор нарса керакми?

-Жон, менга муздай чой олиб кел.

-Кора, уйда шунча хизматкор бор,-ўзини тутолмади Жон. У ўзини огир-босик киши деб хисобларди, аммо босиклиги иш бермади.-Ўшаларга айтсанг бўлмайдимми?

-Мен билан бунака охангда гаплашма, Жон,-совук табассум билан уни тўхтатди Кора.-Хизматкор-хизматкор, эр эса эр. Агар чой олиб келсанг яхши бўлади.

Кора шу сўзларни айтгач, яна чизаётган суратига ўгирилиб сухбат яқунланганини ва эри унинг илтимосини бажариши лозимлигини билдирди. Аникроги, илтимосини эмас, буйругини. У эри чой олиб келишига шубха қилмасди, шунинг учун хал бўлган масалани мухокама қилиб ўтиришни вақтни беҳуда ўтказиш деб хисоблади.

Жон Флисон ичида сўкинди. У огир хўрсиниб ўрнидан турди ва чой олиб келгани кетди.

Жон газабдан титрарди. Ошхонада ўзига келгач, у кўзларини юмди ва ичида ўнгача санади. Флисон ўзининг хам худди анави чизилаётган сурат каби Корага тегишли эканини яна бир марта тан олишга мажбур эди. Хотини унга майда-чуйда харажатлар учун хафтасига юз доллар берар, картада ютказиб кўйса тўлар, аммо жиддий харидлар қилишига йўл қўймасди. Улар беш йилдан буён бирга яшашса-да, у халигача янги туфли ёки кўйлак учун хотинидан пул сўрарди.

Жон яна бир марта огир хўрсинди ва бу ўйин канчалик огир бўлмасин, чидаши шартлигини хаёлидан ўтказди. Бунга чидаши шарт. У хотинининг васиятномасини кўрганди. Агар Кора вафот этса, унинг барча миллионлари эрига, яъни Жонга ўтади. У хотинидан ўн ёш кичик бўлиб, саломатлиги хам жойида эди. Бунинг устига, унинг аник максоди бор эди-атрофидаги хамма нарсанинг конуний эгасига айланиш.

Жон чой келтирди ва хотинининг олдидаги столчага кўйди. У кўзларидаги каҳрни билдириб қўймаслик учун хотинига карамасликка харакат қилди.

-Раҳмат, азизим,-миннатдорчилик билдирди Кора.-Асабинг бузилмадимми?

Жон Флисоннинг унинг товоқдек башарасига боплаб туширгиси келди, аммо ўзини қўлга олиши шарт эканлигини биларди. Бирок барибир ўзини саволдан тия олмади:

-Бўшманми? Кетсам бўладими?

-Сенинг ўрнингда бўлганимда бундай охангда гапирмаган бўлардим,-дархол ковогини

уйди аёл.-Ўзинг яхши биласан, Жон, сен менинг биринчи эрим эмассан. Охиргиси бўлмаслигинг эхтимоли ҳам бор. Илтимос, буни эсингдан чикарма.

Кора ажрашиш хакида биринчи марта тахдид килмаётганди. Бир ойда икки-уч марта у истаган вақтида ажрашиши ва уни ҳеч нарса сиз колдириши мумкинлигини айтишни канда килмасди. Жон ҳам машина, уй, хизматкорлар каби оддий буюм эканлигини, шунинг учун ўзини муносиб тутиши кераклигини эслатиб турарди.

Флисон бу гапларга кўникиб колганди. Албатта, бу тахдидлар курук сўзлар эди. Шунчаки, Корага уни тахкирлаш, уйда ким хўжайин эканлигини эслатиш, ўз кудратини намойиш этиш ёкарди. Шунинг учун Жон гох чойга, гох лосонга ёки кандга, хуллас, хотини нимани ўйлаб топса шунга югурарди. Ва хар сафар Жон Флисон гурурини бир четга суриб кўйиб, ўзига ўзи хотинининг ўлимига гувоҳ бўлишини ва барча бойликларнинг эгасига айланишини айтарди.

Унинг бундай умид килишига асос бор эди. Докторлар доимий равишда Корани камрок овкат ейиши лозимлигини айтиб огохлантиришарди. У пархез килиши шарт эди. Унинг юраги зўрикиб ишлаётгани, бу кетишда юраги зўрикишни кўтаролмаслигини айтишарди. Корага эса, табиийки, бундай гаплар ёкмасди. У тажрибали докторларни худди кўлкопдек алмаштирарди ва охир-окибат катта пул учун унинг барча истакларини маъкулловчи бир фирибгарни топиб олганди. Хозир у илгаригидек истаганини ер ва хоҳлаганча ерди.

Жонга хотинининг янги доктори жудаям ёқди. У виждон ва бурч деган нарсалардан анча йирокда эди. Бу нусха юрак бунчалик улкан гўшт уюмига кон етказиб беролмай колишини бирор марта ҳам айтмади. Флисон Корани кўмиб келганидан сўнг уни яхшилаб мукофотлашни дилига тугиб кўйди. У бу кунга оз колганига умид киларди...

Жон Флисоннинг боши узра кора булутлар пайдо бўла бошлади. Афтидан, бу сафар Кора ажрашиш хакида жиддий гапираётган эди. Якшанба куни у тушликка Оскар Вутенни таклиф этганда Флисон ишлари чаппасига кетаётганини тушунди. Унда худди кинотеатрда ўтириб бундан беш йил олдин кўрган филмини кайтадан кўраётгандек таассурот уйгонди. Жон Кора-у пайтларда унинг фамилияси Бартон эди-уни тушлик килишга олиб келган якшанбани жуда яхши эсларди. Ўшанда Генри Бартон унга мўлтираб караб кўйгани ҳам ёдидан чикмасди. У хаттоки Коранинг ўша пайтдаги эрига караб нималарни хаёлидан кечирганини ҳам унутмаганди. Ўшанда Бартон унга кўшнининг безори боласига ўйинчогини олдириб кўйган болакайга ўхшаб кўринганди. Ўшанда, беш йил олдин Жоннинг тушликда пайдо бўлиши ва ажрашиш хакидаги хужжатларнинг расмийлаштирилиши орасида икки хафта ўтганди. Бу икки хафта давомида Генри Бартон худди бурчакка кисилган жонивордек аллақачон ўзига тегишли бўлди деб ўйлаган миллионларни бурнининг остидан олиб кўйишаётганини ночорлик билан кузатиб турганди.

Жон Флисон беш йил илгариги воқеаларни жуда яхши эслади ва Коранинг янги эрига навбатни бўшатиши кераклигини англади. Ўтган беш йил ичида у Коранинг феъл-атворини яхши билиб олганди. Хотинининг ўзини тутишидан у бир хафтача вақти колганини сизди. Агар унинг бошига ҳам Бартоннинг кисмати тушишини истамаса, зудлик билан нимадир килиши шарт...

Бу қарор душанба куни эрталаб Флисон газета ўкиб ўтирган пайтда миясига келди. Тунда якин атрофда жойлашган турмадан бир неча нафар хавфли жиноятчилар кочишганди. Уларнинг хаммаси ўта огир равишда котиллик содир килишгани учун умрбод камок жазосига махкум этилганлар эди.

-Майлс,-чакирди Жон эшикбонни,-сиз турмадан кочган жинойтчилар хакида радиодан бирор нарса эшитдингизми?

-Хар соатда янгиликларда бериб туришибди, сер. Политсия уларни бизнинг худудимизда яширинишган деб хисобламокда.-Майлс кўргонни ўраб турган калин ўрмонга нигоҳ ташлади ва кўшиб кўйди:-Улар хозир ўрмонда бизни кузатиб турган бўлишлари мумкин. Ха, кўшнилар борасида омадимиз келмаган.

-Рахмат, Майлс.-Жон унга кетиши мумкинлигини билдириб бош иргади ва чукур ўйга чўмди.

«Афтидан, такдирнинг ўзи менга совга тайёрлади,-ўйлади Жон Флисон.-Турмадан кочган махбуслар, бундан зўрини ўйлаб топиш кийин! Кўлга тушмаслик учун ҳеч нарсадан тоймайдиган котиллар! Айнан режам учун кулай».

Тушликдан сўнг Кора билан Вутен ховузда чўмилгани кетишди. Улар уйга кайтишганида Оскар Жоннинг ёнига келди ва кинояли илжайди:

-Ичасизми, Флисон?

Жон Флисон уни уриб юборишдан ўзини зўрга тўхтатиб колди. Бу аблах ўзини аллакачон бу ернинг хўжайинига айлангандек тутаётганди.

-Рахмат, Вутен,-деди Жон.-Виски... Биласизми, Оскар,-деди у Вутеннинг илжайганча стаканларга виски куйишини кузатиб тураркан,-Кора билан беш йиллик турмушимиз давомида шотланд вискисига ўрганиб колдим. Илгари умуман виски ичмасдим, хозир эса кунига беш-олти стакан ичмасам ухлолмайман.

-Менимча, яқинда сизда уйқусизлик касали бошланади, Флисон,-ошқора унинг устидан кулди ракиби ва стакан узатди.

Жон эндигина жавобга огиз жуфтлаганди, аммо унга Майлс халакит берди.

-Жаноб Флисон,-деди у Жонга,-сизни безовта килмокчи эмасдим, аммо бу жуда муҳим.

Радиога айтишди, кочок жинойтчилар Уинслоу-Жанкшн яқинида бир кишини отиб ташлашибди. Ўлдирилган одам фермер экан. Улар фермага келиб пул ва озик-овкат талаб килишган, у бечора эса каршилиқ кўрсатишга уринган. Кечки газетада уларнинг суратлари чикибди. Одам эмас, йирткич дейсиз,-ешикбон унга газетани узатди ва деди:-Улар шу атрофда, сер. Хамма нарсага тайёр туриш керак.

-Барча эҳтиёт чораларини кўринг,-деди Жон Флисон.-Коровулга курол беринг.

Огохлантириб кўйганингиз учун рахмат.

Эшикбон чикиб кетгач, Жон соатга каради. Тўқкиз ярим. Уинслоу-Жанкшн бу ердан етти мил нарида. Ўрмон оркали бу масофани икки-уч соатда босиб ўтиш мумкин. Демак, Кора ярим тунда ўлиши керак. Вутен бу пайтда уйига кетган, хизматкорлар эса донг котиб ухлашаётган бўлади.

Кечки овкатни айвонда килишди. Кора билан Вутен Флисонга эътибор ҳам бермай тинмай валаклашди. Беш йил олдинги худди шундай воқеа эсига тушган Жон кутилмаганда кулиб юборди.

Кора унга ажабланиб каради ва сўради:

-Нимадан хурсандсан, Жон?

Флисон индамай елкасини кисди ва кулишдан тўхтади.

Овкатдан сўнг Майлс брЭнди келтирди. Кора ва Оскар Вутеннинг табассумлари Жоннинг бу даргоҳни тарк этиш вақти етиб келаётганини англатарди.

Соат ўн бирда Оскар Вутен ўрнидан турди ва хайрлашди.

-кўришгунча, Кора,-деди у.-Ажойиб кун учун рахмат... Хайрли тун, Флисон.

-Хайрли тун, Вутен,-жавоб кайтарди Жон. Сўнг унинг ортидан бориб эшикни

ёпди.-Истаган пайтингизда келаверинг.

Бир неча дакикадан кейин Оскар Вутеннинг машинаси кўздан гойиб бўлди.

-Бугун ўзингни галати тутдинг, Жон,-деди Кора совук охангда.-Бугун ўзингнинг хонангда ётасан.

-Нимага?

-Нахотки шуни ҳам тушунмасанг, Жон? Ахмок эмассан-ку.

-Муносабатларимиз тугади демокчимисан? Мени хайдамоқчимисан?

-Ха. Бу ҳақда эртага гаплашамиз.

Кора ўз хонаси эшигини ёпди. Жон Флисон брЭнди куйди ва майдалаб хўплай бошлади. Эшикбон кирди.

-Хизмат йўқми, жаноб Флисон?

-Йўқ, кетишингиз мумкин, Майлс,-жилмайди Жон.-Хайрли тун.

-Хайрли тун, жаноб Флисон.

Эшикбон ва хизматкорлар кўргондан уч юз метр наридаги уйда яшашарди. Уйда Флисон ва Корадан бошка ҳеч ким колмади.

Жон шошилмасдан яна бир қадах брЭндини бўшатди ва ўн бир яримда хонасига кирди.

Деворда осиглик турган милтикни олди ва ўқлади. Сўнг латта олиб чўнтагига солди.

Чирокни ўчиргач, Флисон дераза оркали айвонга чикди. Осмонда юлдузлар чаракларди.

«Корани чакириш керак», ўйлади Жон. Хотинини чакиришдан олдин у бир четда ётган занглаган тиканли сим бўлагини кўлига олди. Симда бармоқ излари колмаслиги учун Флисон кўлига латтани ўраб олди.

-Кора!-чакирди Жон Флисон. У хотини эшитиб турганини, аммо атай жавоб кайтармаётганини биларди.-Кора, тезрок бу ёкка!-бакирди у ташвишли овоз билан.

-Каердасан, Жон?-нихоят овоз берди хотини.

-Хонамдаман. Тезрок кир.

Флисон айвонда кутиб турарди.

-Каердасан, Жон?-яна сўради Кора айвонга чикиб.-Нима бўлди? Ним...

Жон Флисон хотинининг ортидан келиб бўйнига тиканли симни ташлади ва бор кучи билан ўзига тортди. У тиканли сим хотинининг ёгдан иборат томогига осонлик билан ботаётганини рохатланиб хис килди.

Коранинг кўллари юкорига кўтарилди. У симни бўйнидан олиб ташлашга уринди, аммо кучлар тенг эмасди. Жон ёшрок ва кучли эди. У сиртмоқни янада каттиқрок тортди. Бир неча сониядан сўнг хотини типирчилаганча жон берди.

Жон милтикни кўлига олди ва ўрмон томонга ўк узди. Милтикни бўшатгач, у телефон олди борди ва шерифнинг ракамини терди.

-Шерифнинг идорасими?-калтирок овозда сўради Флисон.-Бу Жон Флисон... Ха, Коранинг эри. Фалокат юз берди. Хотиним ўлди. Уни турмадан кочган жиноятчилар бўғиб ўлдиришибди. Уларни тута олмадим. Уларга ўк уздим, аммо коронгида... нима? Ха, албатта, улар эканлигига ишончим комил. Ўким бирортасига тегдими-тегмадими, билмайман. Келасизларми? Яхши. Кутаман. Факат тезрок келинглар.

Жон гўшакни аста жойига кўйди ва мамнун илжайди. Хаммаси режадагидай кетаётганди. У Коранинг ўлимини кочокларга ағдаришига ишонарди. Унинг режаси пухта ишланган, ҳар бир майда-чуйдани эътиборга олганди.

-Жаноб Флисон! Радио...-Хонага Майлс югуриб кирди.-Жаноб Вутен...

-Майлс, нима гап?

-Радиоода...-Эшикбон нафасини ростлади.-Улар... кочок жиноятчилар жаноб Вутенни...
ўлдиришибди. Ўн бирдан кирк беш дакика ўтганида. Уни бу ердан ўн мил наридан
топишибди...

Жон Флисон айвонга каради.

Кора юзтубан холда ётарди. Жонга у худди илжаяётгандек туюлди.

Рус тилидан Дилшодбек Аскарлов таржимаси.